

## Жонажон Ватан бўйлаб

Озарбайжон ССР. Жалолобод районидаги «Москва» совхозида узумни қайта ишлаб, кишмиш қиладиган янги заводнинг ишлаб чиқариш қуввати суткасига 400—500 килограмм маҳсулот тайёрлашдан иборат. Корхона меҳнатчилари бу йилги мавсумда 20 тонна тўйимли неъмат топширишга аҳд қилганлар. 1987 йилнинг охиригача бу ерда яна учта цех ишга туширилади.

СУРАТДА: узумни қайта ишлаш учун саралаш пайти.

А. Беккер фотоси.

●

Мурманск области. Мурманск кемасозлик флотининг балиқчилари муваффақиятли ишламоқдалар. Улар йил бошидан буён планга қўшимча 20 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлашга эришдилар.

Мурманск балиқчилик портида Улуғ Октябрнинг 69 йиллигига бағишланган социалистик мусобақанинг пешқадами, МГ—1349 «Зеленокумск» траулерининг экипажи тантанали кутиб олинди. Бу кеманинг коллективи охирги қатновнинг ўзида планга қўшимча 215 минг сўмлик маҳсулот тайёрлади.

СУРАТДА: Мурманск портида тантанали кутиб олиш. Кема капитани Н. А. Смирновга нон-туз тақдим этилмоқда.

С. Майстерман фотоси.

ТАСС фотохроникаси.



### Санъат хабарлари

# Меҳнат таронаси

Ўзбек рассомлари ижодида фидойи халқимизнинг бунёдкорона меҳнати ҳар томонлама ўз ифодасини топиб келмоқда. Мусаввирлар бу барҳаёт мавзуга такрор ва такрор мурожаат қилиб, қадоққўл инсоннинг, пешона тери билан хирмонлар бунёд этаётган, шаҳарлар, завод-фабрикалар, сув омборлари яратаётган кишиларимизнинг ҳалол меҳнатини ўз асарларида кенг планда акс эттирмоқдалар. Замондошларимизнинг ўй-кечинмалари, улар амалга ошираётган эзгу ишлар мўйқалам соҳибларининг асарларида мунтазам ўз ифодасини топмоқда.

Ана шундай мавзу рассом Г. Чиганов асарларининг асосий қисмини ташкил этади. Г. Чиганов бу мавзуга бот-бот мурожаат қилиб, кишиларимизнинг фидокорлиги, куюнчаклигини ўзига хос жонли лавҳалар орқали муваффақиятли ифодалай олади. Унинг асарларида меҳнаткаш инсон биринчи ўринда туради. Шунинг учун асарларнинг аксарияти киши кўнглига яқин, уларни кўздан кечирар экансиз, беихтиёр тўлқинланиб кетасиз. Шу фидойилар меҳнатига эш бўлгингиз, яратувчилик ишларига ўзингизнинг ҳам дахлдор эканлигингизни англайсиз.

СУРАТЛАРДА: рассом Г. Чигановнинг «Олтин куз» ҳамда «Оби ҳаёт» асарлари.

В. Дубровский фотолари.








# ТИРИКЛИК КОШОНАСИ

**Дунёга келган жажжигина гўдак биринчи бор меҳрибон қўлларнинг илиқ тафтини ва дастлабки нафаси билан ҳаво олиши табиий. Шундай. Инсон ҳаётини ҳавосиз тасаввур қилиш қийин. Мусаффо ҳаво эса наботот оламининг марҳамати ҳисобланади.**

●

Ўсимликларни «тириклик фабрикаси» деганларича бор. Наботот оламининг минг бир хислатидан бири, энг мўъжизакори фотосинтез ёрдамида ҳаводан карбонат ангидридни сингдириб олиб, ўрнига ҳаётбахш кислородни ажратишидир. Илмий манбаларда қайд қилинишича, оламдаги барча ўсимликлар йилига 180—250 миллиард тонна карбонат ангидридни ютиб, 150—200 миллиард тонна кислород ажратади.

Минг афсуски, инсониятга тирикликни баҳшида этадиган табиий ўрмон массивлари, набототнинг асрий намуналари жаҳон узра тобора камайиб бормоқда. Р. Ҳаққулова ва П. Баратовнинг маълумотларига қараганда, биргина АҚШда сўнгги 300 йил ичида 141 миллион гектар ер эрозияга учраган. Шу нарса маълумки, ўрмонларнинг нес-нобуд бўлиши, уларнинг камайиб кетиши янада хавфлироқ оқибатларга олиб келади.

Ўсимликлар дунёсининг аксарияти бир қатор биологик актив моддаларни ҳосил қилади. Бу моддаларнинг сони 300 дан ортиқлиги маълум. Мазкур шифобахш моддалар 1 гектар майдондаги кенг баргли ўрмон дарахтларидан 2 килограмм, нинабаргли ўрмонлардан 5 килограмм ажралади. Дарахтлар атмосфера ҳавосидаги ифлос моддаларни оксидлантириб, уларни зарарсиз ҳолатга келтиради. Арча, терак, олма каби дарахтлардан чиқадиган фитонцидлар грипп вирусини, шунингдек сил таёқчаларини мажолсизлантиради.

Олимларимизнинг берган маълумотларига кўра, Ўзбекистонда ўрмон фонди 4800 минг гектар майдонни ташкил қилади, жумладан, 937,2 минг гектар ер ёппасига ўрмон билан қопланган. Бизнинг ўлкамизда ҳар қалай яшиллик олами унчалик кўп жойни эгалламайди. Шу боисдан ҳам тирикликнинг беминнат дастёрлари бўлмиш дарахтзорларни, ўрмонларни табиий ҳолида сақлаш, иложи борича, уларнинг салмоғини ошириш долзарб масалалардан бири бўлиши лозим.

Ўлкамиздаги оромгоҳ жойларнинг ўз оҳанграбоси бор. Тошкентимизнинг кўркам боғу-роғлари, пойтахт областимизнинг мусаффо ҳаволи тоғлари, зилол сувлари, мафтункор яйловлари, яғриндор қир-адирларининг фазилати ўзгача. Ҳар қалай, кишига завқ улашадиган табиий воситалардан бири бу яшиллик зийнати, наботот олами, савлатли чиноридан тортиб, минг хислатли бута-наъматагигача, ўт-ўланидан тортиб, шифобахш гиёҳигача тириклик неъмати ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда аксарият кишилар маданий дам олиб, мазмунли ҳордиқ чиқариш йўлларини жуда яхши биладилар. Бунинг учун барча қулайликлар мавжудлиги бизга маълум. Табиат шайдолари, туристлар дам олаётган жойларда жуда ечилиб кетадилар: эъзозлашга арзигулик, қадрланишга орзуманда табиат манзараларига озор берадилар, ўрмонларга ўт тушиб кетишига бевосита сабабчи бўладилар. Дам олинаётган жойларда жуда кўп ахлат ва ифлос нарсалар қолади, дилни яйратувчи чиройли ва ноёб ўсимликлар узиб олинади, дарахт ва бута шохларидан капалар ясалади. Саноқсиз автомашиналар ўт-ўланлар, мурғак чечакларни пайҳон қилади.

Ачинарлиси шундаки, ўт-ўланлар пайҳон бўлган жойларда тупроқ оёқ зарбидан шиббаланиб, ер қаттиқ бўлиб қолади, унда ўсадиган нозик ўсимликларнинг ўсишига хотима берилади. Инсоннинг ҳар бир ножўя, қалтис ҳаракати ўсимликлар табиатига салбий таъсир кўрсатмасдан қўймайди. Гулхан ёқилган жойдаги тупроқ 6—7 йилдан сўнг асл ҳолига келиши мумкин.

Наботот учун жуда «мусибатли» нарса, унинг танасига озор бериш ҳисобланади. Мабодо йўлингиз тушиб, Хўжакентга бориб қолсангиз у ерда мавжуд бўлган асрий чинорларнинг танаси ўймаланганининг гувоҳи бўласиз. Дарахт танасини ўйиб ёзилган жойлардан зарарли ҳашарот ва микроблар ривожланиб, унинг қуриб қолишига сабаб бўлади, жароҳатланган дарахт бошқа ўсимликларни зарарлайдиган хавфли манба бўлиб қолади.

Барчага маълумки, кундан-кунга халқ фаровонлиги, турмуш даражаси юксалиб бормоқда. Халқимиз ихтиёрига ҳар тарафлама қулай истиқомат бинолари, маъмурий-маиший бино ва иншоотлар барпо этилмоқда. Ободончилик борасида қанча-дан-қанча ижобий ишлар олиб борилса-да, шаҳар ва қишлоқларимизни том маънодаги кўкаламзорлаштириш, хосиятли ўсимликлар, зийнатли, мевали дов-дарахтлар билан обод қилиш ҳали кўнгилдагидек эмас. Не-не азим ва азамат, ширин-шарбат неъматли дарахтларни қирқиб юбориш ҳолларининг жонли гувоҳимиз. Режасиз экилган ниҳоллар эса қаровсиз қолмоқда.

Ота-боболаримиз битта дарахт кессанг, ўрнига иккита ниҳол ўтқаз, деганлар. Бироқ, ниҳол гўдак каби парваришга, қалб қўри, кафтларнинг илиқ тафти билан яшашга, вояга етишга муҳтожлигини унутмаслик керак.

Ҳа, инсон — табиат фарзанди, унинг қучоғида яшайди, тараққий этади, зурриёт қолдиради. Ҳазрати инсон ҳаёти наботот олами билан шоиста. Шундай экан ҳаётимиз кошонаси — парвонаси кўркам табиатимизни, унинг ўсимликлар дунёсини меҳр ардоғи билан асрашимиз лозим.

**М. НАБИЕВ,**
**химия фанлари кандидати.**

### Ҳаётий тажрибалар

#### ЯШИЛ ТОМЛАР

Бинолар томларини майса билан қоплаш асло янгилик эмас. 1867 йилдаги Париж кўргазмасида берлинлик тоштарош Рабицанинг «Яшил томлари» шов-шувга сабаб бўлган эди. Аср бошида фақатгина Берлинда бизнинг кунларгача омон қолган икки мингдан ортиқ майсали том мавжуд эди.

Кейинги вақтда бу қурилиш-архитектура ғояси яна одат бўлмоқда. Мутахассисларнинг ҳисоблашларича, бу катта шаҳарларда ҳаётий муҳитни сезиларли яхшилайди. Ғарбий берлинлик қурувчи инженер Юстус Буртин ўз шахсий тажрибасига асосланиб, «яшил томларнинг» қуйидаги афзалликларини санаб ўтди: майса томга ёпилган материални ҳимоя қилади, намни шимиб олади, чангни тутиб қолади, кислород ажратади, термоизоляторлек таъсир кўрсатади. Ҳозирда Ғарбий Берлинда томларни кўкаламзорлаштириш планли амалга оширилмоқда.

#### ЭНГ ЯХШИСИ — ТАБИИЙСИ

Яқинда Амстердамдаги амалий фанлар институтида одатдан ташқари тажриба ўтказилди. Институт ходимлари мотоциклчилар, кончилар ва бинокор ишчилар учун ҳимоя шлёмлари тўлиқ коллекциясининг мустаҳкамлиги ва ишончлилигини синовдан ўтказдилар. Бу «имтиҳонга» турли мамлакатлардан шлём намуналари келтирилди. Улар махсус қуббаларга кийдирилиб, тош, ғишт, бетонли деталлар, пўлат тўсинлар билан нишонга олинди ва хотимада болға билан урилди. Синовларга барчасидан энг яхшиси... кокос ёнғоғининг пўстлоғи бардош берди.

**Ф. ОРИПОВ тайёрлаган.**

## Табиат шайдоси

**Ҳар тонг кварталимиз йўлларидан бораётганимизда руҳимиз енгил бўлади, ҳаммаёқ чиннидек тоза, ораста қилинган.**

**Акмал Икромов районининг «В —15» кварталидаги уйлар атрофи эрта тонгданоқ чиройли. Сўлим дов-дарахтлар борлиқни яшил либосга буркаб, осудаликни, баҳоваликни яратган. Бу табиат гўзаллигига орасталик янада ҳусн бўлиб тушган.**

**Кварталимиздаги йўллар ва ҳовлиларни супуриб-сидириб чиройини очишда фаррош Жамила Аюбова қарийб йигирма йилдан буён меҳнат қилмоқда. У одамларни, табиат гўзаллигини севгани учун ҳам ўз хизматини доимо ғайрат билан бажаради. Аҳоли 32-ЖЭУ фаррошн Жамила Аюбовани шу фидокорлиги учун хурмат қилади.**

Ш. СИДДИҚОВА.

### Ажойиботлар оламида

## Қоровул ғозлар

Ғозлар Римни қутқарганлиги ҳаммага маълум. Душманнинг яқинлашаётганлиги ҳақида хабар берган қушлар чуғури эса тасодифий ҳол, ҳозирги даврда ғозларнинг қоровуллик қилаётганлиги эса, бу тушуниб қилинган ишдир. Шотландиянинг арақ омборларидан бирида бу чаққон қоровулларнинг катта бир қисми қоровуллик қилишяптики бу омборнинг баҳоси уч юз миллион фунт стерлингни ташкил қилади. Саксонта ғоз, мана йигирма йилдан буён кеча-ю-кундуз ҳормай-толмай хизмат қилишмоқда. Бу вақт мобайнида бир томчи ҳам ичимлик ўғирланмаган. Агар бегона кишини кўриб қолсалар шундай қаттиқ овоз чиқарадиларки, ҳар қандай қоровул қанчалик қаттиқ ухлаётганлигидан қатъий назар уйғониб кетади.

Аввал хизмат қилган кучуклар, ё бегоналар ташлаган емишлар туфайли тезда улар билан дўстлашиб қолар эдилар, ё аввалги «танишлик»лари туфайли бегоналарни ҳам «ўзиники» сифатида ўтказиб юборар эдилар. Бироқ, ғозлар келишувчанликни ёқтирмайдилар!

## Қуш ишқибозлари

Тошкентлик орнитолог (қушшунос) М. Отабеков уй эшигини очиб бутун бир синф болаларини кўрганда ҳайратга тушмайди, чунки яқин орадаги мактаб ўқитувчилари анча вақтдан буён унинг уйида ҳам биология дарсини ўтиб турадилар. Отабековда 500 дан ортиқ 80 хил қуш бор.

Бу уйга келиб турадиган кўплаб болакайларни эса сузмали қошиқни ушлаб ея оладиган, кучукдай ҳуриб, ҳуштак чалишни ва «ҳа-ҳо»лаб кулишни биладиган Ита деган жако (қуш) қизиқтиради. Гриша деган майна эса уйдагиларнинг ҳаммасини номма-ном чақиришни ва кўпгина сўзлар бирикмасини ҳам қайтариб айта олади.

Отабековнинг қушларга қизиқиши унга бир танишининг олтита тўлқинсимон патли тўтилар совға қилишидан бошланди. Аста-секин орнитологияга қизиқиш унинг хотини, қизлари, ҳозирги пайтга келиб эса куёвлари ва неваралари ҳам жуда қизиқиб қолишди.

## Капалаклар босқини

Гўзалликлари билан тенги йўқ бўлган капалакларнинг Гондурас далаларига ёпирилиши апельсин ва грейфрут каби меваларнинг 70 процентининг йўқ бўлишига сабаб бўлди. Марказий Америкадаги бу мамлакатнинг Атлантика океани қирғоғи томонидаги цитрус мевалари бекиёс чиройли, лекин ўлардек очофат бўлган жониворлар қаршисида мутлақо муҳофазасиз эканликлари маълум бўлди: бир неча кун ичида улар деярли ҳамма ҳосилни еб битирдилар.

**С. МАМАНАЗАРОВ тайёрлаган.**

# Биласизми?

Яқин-яқинларгача, денгиз қундузлари асримизда ваҳшийларча овланганлиги оқибатида бутунлай қирилиб кетган деб ҳисобланарди. Бахтга кўра, аслида бундай эмас экан: тўққиз йил муқаддам Камчаткадаги Кроноцк давлат қўриқхонаси ходимлари 15 жониворлан иборат каланлар (денгиз қундузлари) гуруҳини аниқладилар. Ўтган йилги рўйхатдан ўтказиш натижасига кўра ҳозир қўриқхонада икки юзга яқин ноёб жонивор яшамоқда.

✦

Сайёрамизда ўрмон майдонлари шиддат билан қисқариб бормоқда, бироқ Ер юзи аҳолисининг учдан бири уйларни иситиш ва овқат тайёрлаш учун ўтиндан фойдаланишни давом эттирмоқда. Кўпгина жойларда ўтин иссиқлигининг улуши бошқаларига нисбатан ортмоқда. Масалан, Танзанияда 1980 йили 3 процентни ташкил этган бўлса, ЮНЕСКО маълумотларига кўра 2000 йилга бориб 25 процентга етади.

✦

Магаданлик олимлар янги бинокорлик материали олиш технологиясини ишлаб чиқдилар. Вулкан кули ишлов берилгандан сўнг қимматли хусусиятга эга бўлиб, у енгил ва иссиқликни жуда яхши сақлайди. Уни сувоқ ишларида қўллаш билан бино ташқи деворлари қалинлигини сезиларли камайтириш мумкин.

✦

Болгарияда биринчи дельфинарий Варнада очилди. Замонавий меъморчиликка мансуб бўлган бу бино 1200 томошабинга мўлжалланган. Қурилишда бетон, шиша, пўлат, пластмасса кенг қўлланилди. Дельфинарий бор-йўғи 180 кунда битказилди.

✦

Миязаки префектурасида таянч устунлари 137 метрлик, автомобиль йўллари кўпригининг дарё устига қурилиши тугалланди. Кўприк Япониядагина эмас, Осиё қитъаси бўйича ҳам энг баланд ҳисобланади.

✦

Япония шаҳарлари йилига 20 миллион тонна аҳлат «ишлаб чиқаради». Бу суръат сақланиб, қайта ишлашнинг янги усуллари топилмаса, оролларда чиқиндиларни кўмиш учун майдонлар қолмайди.

### Янгиликлар. Воқеалар. Фактлар

## *Фортепьяно концерти*

Ёш композитор Г. Одилова ўзининг ёқимли қўшиқ ва романслари билан музика шинавандаларига танилиб қолди. Унинг фортепьяно учун ёзган музика асарлари ҳам эътиборни ўзига тортади.

Шарқ оҳангларига бой ижод намуналарида фортепьяно ижросига хос техник воситалар яққол кўзга ташланади. Бунинг боиси бор, албатта. Ёш санъаткор Г. Одилова М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси композиторлик бўлимини тугатишдан олдин фортепьяно факультетида таҳсил кўриб, моҳир пианиночи бўлиб танилган эди. Шу сабабли асарларида ана шу жозиба сезилиб туради.

Унинг навбатдаги фортепьяно учун концерти Ўзбекистон Композиторлар союзи VII пленуми концертларидан бирида ижро этилди.

## *Янги маданият уйи*

Боткин кўчасида «Ташсельмаш» заводи ишчилари учун умумий майдони 3354 квадрат метрдан иборат янги маданият уйи қурилмоқда. Бу ерда «Главташкентстрой»нинг 3-қурилиш трестига қарашли 23-бошқарманинг Н. Пузиревич ҳамда 159-қурилиш трестига қарашли 61-бошқарманинг коммунист Олимжон Йўлдошев бошлиқ монтажчилар бригадалари меҳнат қилишмоқда. Маданият уйини бунёд этиш учун 609 минг сўм пул ажратилган. Маданият кошонаси 1988 йил 1-кварталида фойдаланишга топширилади.

О. МАХМАЮСУПОВ.

## *Ғолиблар сафида*

Қардош Белоруссия пойтахти Минскда бўлиб ўтган сартарош ва косметологлар VII Бутуниттифоқ конкурсида Ўзбекистон вакиллари актив қатнашдилар. Чаққонлик, маҳорат ва гўзаллик кўригига айланган бу ижодий имтиҳонда республикамиз ёшлар командаси иккинчи ўринни қўлга киритди.

Ғолиблар орасида Тошкентдаги сартарошхона хизмати кўрсатиш экспериментал салонининг ходимлари ҳам бор. Қўли гул усталар Р. Шомуҳамедов ва Е. Курцева томонидан бажарилган ишлар кўпчилик эътиборини ўзига тортди.

С. ОДИЛОВА.

### Луқма

# ДАРАХТЛАР НОЛАСИ

**Дов-дарахтлар ҳам гапирадими, деб ўйларсиз ва ёқа ушлаб қоларсиз. Ҳа, «жонидан ўтиб кетгандан» кейин дарахтлар ҳам гапириб юборар экан.**

**— Мен Куйбишев районидаги 2-ЖЭУга қарашли 24-уй атрофидаги хиёбонда ям-яшил бўлиб ўсиб турардим,— деб фиғон қилди кесиб ташланган, пўстлоғи шилинган дарахт. — Атрофимга бир қаранг, ахлатлар уюми-ю, ҳар хил чиқиндилар сочилиб, хиёбон ҳуснига доғ тушириб ётибди. Яна бу ерда фаррошлар хазонларни, ахлатларни ёқиб юборишганда нафас ололмай, япроқларим, шох-шаббаларим чирсиллаб кетди, биримизни қайириб синдиришди, биримизнинг пўстлоғимизни шилиб, болта билан чопишди. Ачиниб, зириллаб турибмизки, ён-веримиздаги нав-ниҳоллар, дарахтлар ҳам биздек хароб бўлиб қолмасайди.**

**Топталиб ташланган бу дарахтлар нидосига «Тошкент» автовокзали рўпарасидаги майдонда кесилган дарахтлардан акс садо келди.**

**— Хиёбон кўрки, ҳавони тозаловчи беминнат дастёр эдик, — деб нола қилди кесилган дарахтлар, — ҳаммамизни қоқ белимиздан арралаб, пўстлоғимизни шилиб тўнкага айлантириб кетишди, хиёбонда шох-шаббаларимиз айқаш-уйқаш бўлиб, худди бу ердан трактор ўтгандек янчилиб, пароканда ҳолда ётибмиз. Автовокзал атрофидаги хиёбонлар ана шундай қаровсиз ҳолдаки, бу ердаги ачинарли кўринишга маймунлар «йиғлайди».**

**Аччиқ бўлса ҳам очиқ гапни айтиш керакки, шу куз ойларида шаҳримиздаги баъзи хиёбонларни кезсангиз хазонлар, ахлат-чиқиндилар уюмига, синиб ер бағирлаб ётган шох-шаббаларга, тўнкаларга кўзингиз тушади. Майдонларда ва йўлкаларда хазонларнинг қатлам-қатлам бўлиб ётиши уларни ўз вақтида супуриб-сидириб олинмаслиги, боз устига хазонларнинг ёқилиши, ҳаво мусаффолигининг бузилиши шаҳримиз ҳуснига доғ бўлаяпти.**

**Т. РАСУЛЕВ.**



**СУРАТЛАРДА: Куйбишев районидаги 2-ЖЭУ атрофида пайҳон қилинган дарахт.**

**М. Ҳакимов фотоси.**

